



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 18 май, сешанба №61 (708)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҲБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 17 май кунин Америка Қўшма Штатлари Қуролли кучлари маркази кўмондонлигининг бош кўмондони Энтони Зиннини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан АҚШ Куролли кучларининг маркази кўмондонлиги ўртасидаги алоқалар кенгайиб бораётганидан мамнуният билдирди. Президент Ислон Каримов Ўрта Осиё давлатлари билан ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик учун айнан шу кўмондонлик тан-

лангани тўғри қарор бўлганини таъкидлади. Америкалик меҳмон самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорчилик билдириб, Ўзбекистонга сафари самарали кечаётганини, ташриф асносида кўрилатган масалалар икки томон учун ҳам бирдек манфаатли эканини айтди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан АҚШ Куролли кучлари марказий

кўмондонлиги ўртасида икки томонлама ва халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Миллий хавфсизлик кенгаши котиби М.Раҳмонкулов, Ташқи ишлар вазири А.Комилов, муҳофа вазири Х.Турсунов иштирок этди. Учрашувда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор элчиси Ж.Пресел ҳозир бўлди. (ЎзА)



Қабул пайти. А. ТУРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Фармойишига мувофиқ мустамаккачилик даврида миллий истиқлол ва тараққиёт йўлидаги интилишлари учун ноҳақ айбонлиб, турли жазо ва тазйикларга маҳкум этилган ватандошларимизнинг исми шарифини аниқлаш, таржимаи ҳоли, фаолиятини ўрганиш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш юзасидан амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бўйича жамоатчилик комиссияси тузилган эди. Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказида ана шу комиссиянинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев олиб борди.

Сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбарининг ушбу Фармойиши мамлакатимиз, унинг халқи ҳаётида муҳим ижтимоий-сиёсий ҳамда маънавий аҳамиятга молик ҳужжат эканлигини таъкидладилар. Уни ҳаётга изчил тадбиқ этиш масалалари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Мажлисда Ватан озодлиги ва истиқлоли учун курашларда ўз жонини фидо этган, миллиятни хуррият ва эркинлик сари қорлаган, шўролар тузуми даврида қатагон қурбонлари бўлган минглаб фидойи инсонлар, шаҳид зиёлилар хотирасини абадийлаштириш масалаларини ҳал этишга юксак масъулиятни ҳис этган ҳолда адолатли ёндашиш, кенг жамоатчилик ва мутахассислар фикр-мулоҳазаларини инobatга олиш, бу борадаги ишларни амалга оширишда нафақат мамлакатимиз, балки хорижий давлатлардаги архив материаллардан кенг фойдаланиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. (ЎзА)

Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтида тез тиббий ёрдам бўйича ўқув маркази очилди. У йил бошида имзоланган ўзаро алоқалар меморандумига мувофиқ Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Америка Халқаро соғлиқни сақлаш иттифоқи ҳамда Американинг Ричмонд шаҳридаги Тез тиббий ёрдам бошқармаси ҳамкорлигида барпо этилди. Марказ очилишига бағишланган маросимда республикамизнинг етук тиббиёт ходимлари, уларнинг АҚШдан келган ҳамкасблари, ўз таркибиде авария-қутқарув хизматларига эга бўлган бир қанча вазирлик ва идораларнинг вакиллари қатнашди. Маросимда «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат таярия жаамгармасининг фахрий Президенти Т.КАРИМОВА иштирок этди.

Америка Халқаро соғлиқни сақлаш иттифоқи ЮСАИД нинг молиявий кўмагида фаолият кўрсатади. Иттифоқ АҚШ ва МДХ мамлакатлари соғлиқни сақлаш муассасалари ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатишга ёрдамлашади. Соғлиқни сақлаш иттифоқининг ёрдами туфайли 1994 йилдан бошлаб МДХ давлатларида, Марказий ва Шарқий Европада 12 та тез тиббий ёрдам бўйича ўқув Маркази очилган бўлиб, уларнинг барчаси муваффақиятли ишлаб турибди.

Мамлакатимиз раҳбарияти аҳоли саноатлигини сақлашнинг тубдан яхшилашга жуда катта аҳамият бериб келмоқда, — деди маросимни очар экан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Х.Кароматов. — Соҳада бошланган кенг миқёсда ислохот бунинг далилидир. Унинг энг муҳим босқичларидан бири — мамлакатнинг бутун минтақаларини қамраб олган тез тиббий ёрдам тизимини яратиш бўлди. Бу тизимда энг маълум мутахассислар ишлаши керак. Президент Ислон Каримов ўтган йили март ойида имзо чеккан Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасини-

рини ҳам ўқитиш кўзда тутилган. Маросимда сўзга чиққан Ричмонд шаҳри Тез тиббий ёрдам бошқармасининг ижрочи директори Ж.Овертон ўзбекистонлик ҳамкасбларини ишонтириб айтганидек, бу ерда олинган билим ҳамда илгор тиббий технологиялардан амалда фойдаланиш аҳоли ўртасида касалликнинг кескин камайишига кўмакла-

зиров Марказнинг очилиш маросимида қайд этганидек, бундай ўқув тузилмасининг барпо этилиши мамлакатимизда Тез ёрдам миллий Марказини ташкил этишдаги дастлабки қадамдир. Энди республиканинг барча вилоятларида Марказ филиаллари очилади.

Марказ Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан Америка Халқаро соғлиқни сақлаш иттифоқининг ҳамкорлигидаги дастлабки лойиҳаси эмас. Кейинги йилларда оналик ва болаликни сақлашни яхшилаш, аёлларга ихтисослашган тиббий ёрдамни ривожлантиришга қаратилган бир қанча шерикликдаги дастурлар амалга оширилади. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастурини амалга оширишга кўмаклашадиган ана шундай ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар бундан буён ҳам давом эттирилади.

Янги ўқув Марказининг дастлабки тиргловчиларига тахсилни тугатгани ҳақида сертификатлар тантанали равишда топширилди. Улар орасида Тошкентдаги «Тез ёрдам» хизматида ишлайдиган шифокорлар, ўрта тиббиёт ходимлари ҳамда ҳайдовчилар бор.

Тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ўқув марказининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В.Ғолишев, Т.Рисқиев иштирок этди.

Маросимда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва Мухтор элчиси Ж.Пресел сўзга чиқди. Ана ИВАНОВА, ЎзА мухбири.

УЛКАН САҲЪАТ БАЙРАМИ

Й.Охунбобоев номли мусикали драма ва комедия театрида «Андижон баҳори - 99» фестивали бошланди. 17 майдан 22 майгача давом этадиган бу саҳъат байрамида Тошкент, Наманган, Андижон, шунингдек, Қирғизистон ва Бошқирдистон саҳна усталари ўз ижрочилик маҳоратини намойиш этади.

Фестивал доирасида бир қанча меҳнат жамоалари билан учрашув ва суҳбатлар ўтказилади. Жумладан, меҳмонлар Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасини бориб кўради, Чўлпон номи билан боғлиқ тарихий жойлар билан танишади, Бобур Мирзо қадамжоларини зиёрат қилади.

К.НИЗОМОВ, ЎзА мухбири

Жўшқин ҳаёт нафаси ДОН УЗЛУКСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

«Бағдоддонмаҳсулотлар» хиссадорлик жамияти мавсумда Риштон, Бағдод ва Сўх тумани хўжаликларида етиштирилган 39 минг 510 тонна галлани қайта ишлайди.

Асосий эътибор галлакорлар етиштирган ҳосилни узлуksиз қабул қилиб олишга қаратилган. дейди бош механик А.Машрабов. - Ҳозирча 36 минг тонна дон қабул қилиб оладиган элеваторлар лаборатория жихозлари, торози, галла тушириш ва ортиш механизмлари билан таъминланди, куритиш майдонлари мавсумга тахт қилиб қўйилди.

БОҒЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Сирдарё вилоятида кўкаламзорлаштириш ишларида жиддий эътибор берилаётди. Жумладан, шу йил баҳорда жами 4,4 миллион тупдан ортиқ мева-ли, манзарали дарахт ҳамда гул кўчатлари ўтказилди. 300 гектар майдонда теракзор ва бошқа ёғоч-боп дарахтзорлар барпо этилди. Урмон хўжаликларига 72 гектар майдонда янги бог-роғлар бунёд этди.

МУСОБАҚАЛАР БОШЛАНДИ

Оқманғит шаҳарчасида Нукус тумани «Умид» ва Ажиниёз номидаги қорақалпоқ педагогика институти жамоалари учрашуви билан футбол бўйича Қорақалпоғистон Республикаси биринчилиги мусобақалари бошланди.

Бу йил Қорақалпоғистон Республикаси футбол мусобақаларида 12 команда қатнашмоқда. Спортчиларга етарли шароит яратиб берилган Қўнғирот, Тахиятош, Хўжайли шаҳарлари футболчиларининг имкониятлари юқори баҳоланмоқда. Афсуски, ҳар бири 15-20 минг томошабинни сифира оладиган замонавий ўйингоҳларга эга бўлган Тўрткўл, Бўстон, Беруний ва Нукус шаҳарларида спортнинг бу турини ривожлантиришга етарли эътибор берилмаётди. (ЎзА)

ИТАЛИЯЛИКЛАР ҲАМКОРЛИҚДАН МАНФААТДОР

Италиянинг етакчи оммавий ахборот воситалари журналистлари делегацияси Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди. Улар республикамизнинг бир қанча вазирлик, идоралари ва компаниялари раҳбарлари билан учрашади. Ана шундай учрашувлардан бири «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси дирекциясида бўлиб ўтди.

Миллий авиакомпаниянинг Бош директори А.Рўзметов журналистларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтарган экан, Ўзбекистон фуқаро авиацияси 75 йиллик тарихга эга экани ҳақида гапирди. Мамлакатимиз ҳаво флоти ўзбек авиаторларининг олдинги авлодларидан ўтган тажриба ва анъаналарига суянди. Республикаимиз мустақилликка эришганидан сўнг эса, авиациямиз бутунлай ўз қиёфасига эга бўлиб, алоҳида ривожланиш йўлига кирди.

Шу йилларда самолёт парки замонавий хавфсиз ва қулай ҳаво кемалари билан тўлдирилди. Ҳаво ҳаракатини бошқариш тизимини модернизация қилиш бўйича кенг кўламли дастур ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Бунинг натижаси ўларок, Ўзбекистон осмонда учимчиларнинг авионавигация тўғрисида энг қатъий халқаро талабларга мос келади.

Кескин рақобатга қарамасдан, Миллий авиакомпания 70 га яқин йўналиш бўйича самолётлар парвозини амалга оширмоқда. Булардан 17 таси халқаро йўналиш бўлиб, йилга икки миллион йўловчинини ўз манзилига етказиб қўяди. Яқин ва олин хориждаги 37 шаҳарда авиакомпаниянинг ваколатхоналари очилган. Ўзбекистон самолётлари учадиган манзиллар тобора кўпайиб бормоқда. Ўтган йили Париж ва Дакка шаҳарларига янги қатнов йўллари очилди. Бу йил март ойининг охирида «Украина авиалиниялари» авиакомпанияси билан ҳамкорликда Тошкент-Киев-Нью-Йорк халқаро йўналиши ўзлаштирилган бўлса, 1 майдан бошлаб, Тошкент-Нагоя йўналиши бўйлаб ижара училарини бажариш дастури бошланди. Яқин орада Рим ва Милан шаҳарларига ҳам самолёт қатновлари бошланди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси самолёт парки ҳам ноёб тузилмага эга. Бу ерда 350 дан ортиқ самолёт ва вертолёт бўлиб, мижозларга барча турдаги авиация хизматини кўрсатиш имконини беради. 1993 йилдан бошлаб Миллий авиакомпанияда замонавий А-310 лайнери ўзлаштирилди. Ҳозир бундай самолётлардан 3 таси йўловчиларга хизмат кўрсатмоқда. «Эрбас Индустри» консорциуми вакиллари 1998 йилда «Аэрбас» самолётлари флотидан фойдаланиш натижаларини текширганидан сўнг мана бундай хулосага келишди: «Биз Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг ажойиб кўрсаткичларини қайд этишдан мамнунмиз. Бу йил А-310 самолётлари флотига 10.122 соат учган. Самолётларни учиратишнинг техник ишончилиги 99,9 фоизни ташкил этган бўлиб, бу жаҳондаги ўртача кўрсаткич - 98,6 фоиздан бале-нд экани ниҳоятда қувончлидир».

Миллий авиакомпания зинчилари ҳамкорлик учун доимо очик, — деди пировардида А.Рўзметов. — Бугунги кундаги авиация бизнеси ривож шунини кўрсатадики, авиакомпанияларнинг ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштириши, позиция ва сибсатларини ўзаро мувофиқлаштириши кўр-кўрона рақобатга қараганда кўпроқ фойда келтиради. Шунинг учун ҳам бизнинг авиакомпаниямиз ўзаро фойдали кооперация йўлидан бормоқда. «Аэрофлот - Россия халқаро авиалиниялари» билан имзоланган кенг кўламли дастур, «Трансаэро» билан ҳамкорлик, «Украина авиалиниялари» билан «МДХ-альянс»ни ташкил этиш ҳақидаги битим бунинг исботидир. Ҳозирги кунда турли хорижий авиакомпаниялар билан ҳамкорлик тўғрисидаги 55 дан ортиқ битим амал қилиб турибди. Яқинда бу битимларга Италия ҳам қўшилади.

Д.САИТОВА, ЎзА мухбири.

«ТЕРМИЗ-99» КЎРИК-ТАНЛОВИ ЯКУЛЛАНАДИ

Ўтган ҳафта Сурхондарё вилояти марказида «Алломиш» дostonининг тўйи муносабати билан «Алломиш - бокий асар» тadbirlari доирасида Ўрта Осиё мамлакатларининг бахши шоирлари ва оқинлари иштирокида дастлабки Халқаро кўрик-фестивал бўлиб ўтди.

Уч қун давом этган ана шу фольклор асарлари мусобақасида мамлакатимиз вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси-дан, шунингдек, Қозғоғистон, Туркменистон ҳамда Қирғизистондан келган қарийб 70 нафар танлики бахши-шоирлар, оқинлар ва жировлар қатнашди. Биринчи навбатда 30 ёшгача бўлган ижодкорлар, сўнг эса катта ёшдаги бахшилар «Алломиш» ва бошқа анъанавий дostonлар-

дан парчалар, халқ термлари, ўз ижодларидан намуналар ижро этиб, маҳоратларини намойиш қилдилар. Кўриқнинг энг олий мукofоти сурхондарёлик Шоберди бахши Болтаевга ҳамда хоразмлик Норбек бахши Абдуллаевга насиб этди.

Шу йилдан бошлаб Термиз шаҳрида ҳар икки йилда бир марта фольклор асарлари ижрочиларининг мамлакат кўрик-танлови ҳамда халқаро фестивали ўтказилади деген бўлди, — дейди маъруз тadbirlari раиси, Маданият ишлари вазирлигининг Халқ ижодиёти ва маданият-маърифий ишлар Республикаси илмий-услубий маркази раҳбари Назар Миркомолов. — Бу эса ўз навбатида, энг иқтидорли бахшиларини сара асарларини мунтазам ёзиб бориш, улар ҳақида теле-видеофильмлар яратиш ва шу йул билан мамлакатимиз, қўлаевга, Ўрта Осиё халқлари оғзани ижодиёти-нини янада теранроқ тарғиб қилиш имкониятини беради.

Б.ЖУМАЕВА, «Туркистон-пресс» мухбири.

«Ишонч»га жавоб берадилар «ПЕШТАХТАЛАР НЕГА БУШ»

Газетанинг шу йил 1 май 52-сонидеги юқоридаги сарлавҳали мақоласида Косонсой тумани савдо тармоқларидаги аҳоли учун энг зарурий мол-барининг йўлидаги ҳамда маданий хизмат кўрсатиш беъэтибор қолаётганлиги танкид қилинган эди.

Газетамизнинг ушбу танкидий чиқишига Наманган вилояти «Матлубот-савдо» акционерлик компанияси бошқарув раиси М.Жўрабевдан жавоб хати олинди. Унда жумладан шундай дейилади: «... Мақолада кўрсатилган камчиликлар юзасидан Косонсой тумани улгуржи чакана савдо хиссадорлик

жамияти бошқарувининг қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга асосан аҳолини 8 турдаги маҳсулотлар билан таъминлашда узалишларга йул қўйилганлиги, қул остидаги сотувчилар устидан назоратни сувайтириб юборганлиги, савдодаги мавжуд товарларга нархномалар

ёзилмаганлиги, дўкон иш тартибига риоя қилинмаганлиги ва санитария ҳолати талаб даражасида бўлмаганлиги учун 2-сонли «Кундалик эҳтиёж моллари» дўкон мудири М.Ҳайдарова ўз вазифасидан озод этилди. 46-сон дўкон мудири М.Мирзаев, 48-сон дўкон

мудири В.Орипова, 34-сон дўкон мудири Ж.Асқарова, 2-сон «Озик-овқат» дўкон мудири Х.Раҳмоновларга ҳайфсан эълон қилинди. Қул остидаги мутахассислар, дўкон мудирлари, таъминотчилар устидан назоратни сувайтиргани, аҳолини 8 турдаги маҳсулотлар билан таъминлашда узалишларга йул қўйганлиги, дўконларда маҳсулот захираларининг асосий равишда камайиб кетишига йул қўйилганлиги учун туман улгуржи - чакана савдо хиссадорлик жамияти бошқаруви раисининг чора қўриш тузум улгуржи чакана савдо хиссадорлик жамияти кузатув кенгашига ҳавола этилди. Уз навбатида вилоят «Матлуботсавдо» акциядорлик компанияси бошқаруви Вазирлар Маҳкамасининг 604-сонли қарори оғишмай бажарилишини доимо назорат қилиб борадиган бўлди».

Косонсой тумани улгуржи

Ислохот мевалари

Мустақил мамлакатимизда барча соҳаларда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришга фан ва техника янгиликларини жорий этиш, махсулот етиштиришни янада кўпайтириш, таннархини арзонлаштириш борасида дадил қарарлар ташланмоқда. Президентимизнинг «1998-2000 йиллардаги даврда кишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинганлиги аграр соҳани ривожлантиришга гоյат катта эътибор берилётганини яна бир қарра тасдиқлади.

лар парвариши агротехника қоидаларига мувофиқ амалга оширилди. Натижада чорвадорлар беда майдонларидан 5 марта ҳосил олишга эришдилар. 8 гектар майдондаги лавлаги, 37 гектар майдондаги маккажўҳори ҳосили ҳам мўл бўлди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра Насрулло Ху-

ширли озуқалар билан боқияшпти. Шунингдек Йўлдош Имомов, Эркин Алимардонов, Ўбайдулла Кўйлиев, Арслон Ҳайдаров, Лутфулло Ҳайриев сингари механизматорлар оралиқ экиннинг перко ҳосилини ўриш, молларга тарқатишда алоҳида жонбозлик кўрсатишмоқда.

— Чорвадорларнинг унумли меҳнат қилишлари, маданий ҳордик чиқаришлари ҳамда уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш учун наслчилик заводидан барча шарт-шароитлар яратилган, - дейди хўжалик касаба уюшма кўмитасининг раиси Арслон Жумаев.



«МАРЖОН»НИНГ БУГУНГИ КУНИ

Бундан бир неча йил олдин Бахористон туманида «Маржон» тикув фабрикаси фаолият кўрсата бошлаган эди. Лекин кейинги йилларда туман раҳбариятининг масъулиятсизлиги сабабли мазкур тикув фабрикаси ўз фаолиятини буткул тўхтатган ва ишчилар ҳам тарқаб кетган эди.

Утган йилдан бошлаб ушбу фабрикадаги иш изга тушди. Янги туман ҳокими Ҳайит Тожиёвнинг савий-ҳаракатлари бесаар кетмади. 1998 йил август ойида

ёш ташаббускор Равшан Болтаев директор этиб тайинланди. Равшан Болтаев тикув фабрикасини қисқа муддатда жонлантирди. Ишдан бўшаб кетган чеварлар қайта ишга олинди. Тошкент, Бухоро ва бошқа шаҳарлардаги тикув ва тикув фабрикалари билан яқиндан алоқа болганди.

Фабрика жамоаси тез орада ўзининг махсулотларини харидорларга етказиб бера бошлади. Бугунги кунда мазкур фабрика ишчилари махсус кийимлар, кўпоқлар, халатлар, турли чойшаблар

Ш.ШАРОПОВ (ЎЗА) олган суратлар.

ФЕРМА ЗАВОДГА АЙЛАНДИ

ниятлари ҳам етарли. Хўжалик бурдоқбоқарлари боқувага ажратилган новвосларни тўйимли ва ширали озуқалар билан боқишга алоҳида эътибор бериб келинаёти. Гўшт етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан белгиланган режа муваффақиятли бажарилди. 94 тонна гўшт ишлаб чиқарилди. Махсулот таннархи ҳам арзонлашди.

Биргина махсулотни қайта ишлашнинг ўзидан 284 минг сўм даромад олинди. Махсулотни тайёрлаш учун зарур бўлган барча асбоб-ускуналар Самарқанд сўт савдо ва харид комбинатидан арзон нархда олиб келинган. Мўъжазгина цехда тайёрланадиган махсулотлар ўз харидорини топмоқда. Бугунги кунда махсулотлар Касби ул-гуржи таъминот савдо махсус фирмаси орқали тумандаги тиббиёт муассасалари, туман халқ таълими бўлимига қарашли болалар боғчаларига етказиб берилмоқда. Насрулло Худойбердиевнинг айтишига қараганда, яқин кунлар ичида бу ерда қолбаса тайёрлаш йўлга қўйилади.

«Ризқ» наслчилик заводидан меҳнат қилаётган чорвадорлар зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда тер тўқишапти. Тожирило Аҳмедова, Собира Амруллаева, Ҳамида Шерқуловалар пешқадам соғувчилардан саналишади. Холмурод Султонов, Тура Чўлиев, Улғубек Муродов сингари молбоқарлар эса, чорва молларини ўз вақтида тўйимли ва



Ш.ШАРОПОВ (ЎЗА) олган суратлар.

КИШЛОККА ГАЗ КЕЛДИ

Пахтакор туманидаги «Пахтачи» кишлоғида атиги 60 хонадон аъзолари истиқомат қилишади. Кишлоқ туманининг ҳам, «Оқбулак» ижара ширкатлари уюшмасининг ҳам энг четки аҳоли манзили. Шунга қарамай, яқинда бу ерга табиий газ келди.

МУЛ ҲОСИЛ ТАМАЛ ТОШИ

Утган йили Бухоро вилояти деҳқонлари 1997 йилга нисбатан 30 минг тонна кўп пахта етиштирдилар. Лекин шундай бўлса-да, вилоятда пахта тайёрлаш давлат шартнома режаси бажарилмай қолди. Бунга кўп жиҳатдан чигит мударатида экиб олинмагани сабаб бўлди.

Пахтакорлар бундан зарур хулоса чиқарган ҳолда чигит экишни ўтган йилга нисбатан 10-12 кун эрта тугалладилар. Айни кунларда қийғос униб чиққан ниҳоллар жадал яғналанмоқда. Бу тадбир Вобект, Шофиркон, Бухоро ва Олот туманларида айниқса уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. (ЎЗА)

Истиқлол берган имкон

ИШЧИ ОИЛАЛАРИ ЯНГИ УЙЛАРДА

Асака мамлакатнинг йirik саноат шаҳарларидан бири сифатида машҳурдир. Қадим ипак йўлига жойлашган бу шаҳар бугунги кунда ривожланиш сари эркин қанот ёзмақда. Бу ерда тобора жаҳонга танилиб бораётган «ЎЗДЭУВАТО», «ЎЗДОНГВОН», «ФАМ» сингари замонавий кўшма корхоналар ишлаб турибди.

«Асака-ёғ» корхонаси шаҳардаги барча корхоналарнинг отахони ҳисобланади. Бултур ташкил топганлигининг 85 йиллиги нишонланган ушбу корхонанинг уюшқоқ жамоаси хориждан сўнги технология жиҳозларни келтириб, ўрнатиш ҳисобига ишлаб чиқариш технологиясини замонавий талаблар даражасига олиб чиқишга муваффақ бўлдилар. Натижада ёғ тайёрлаш миқдори кескин кўпайиш билан бирга сифати ҳам яхшиланди.

териаллари етказиб берилди. Ночор оилаларга 56 хонали янги турар жой биноси қуриб берилди. Ишлаб чиқарилаётган махсулотимизнинг харидорлигидан фойдаланиб, кўпгина жамоа хўжалиқлари билан мол айирбўлаш тўғрисида шартнома тузганмиш. Унга кўра ишчиларимиз ҳар йили арзон нархдаги мева ва сабзавот махсулотлари билан таъминланадилар. Сўнги ойларда корхона жамоасига шу тарзда 50 тонна картошка, пиёз, сабзи бўлиб берилди.

Касаба уюшма ҳаёти

Яқинда Хива туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Дин ва маънавият» мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Унда шаҳар ва туман таълим муассасалари, интернат, лицейлар, хунар-лицей мактаблари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари ва бошланғич касаба уюшма ташкилот-

«ДИН ВА МАЪНАВИЯТ»

лари раислари, Хоразм Маъмун Академияси олимлари иштирок этишди. Хоразм Маъмун Академияси археология, тарих ва фалсафа бўлимининг илмий ходими, фалсафа фанлари номзооди Мадрид Сапарбоев «Дин ва маънавият» мавзусида маъруза қилди. Унда мамлакатимизда мустақил давлатчиликни ривожлантириш йўлидаги сай-ҳаракатлар ва таълим соҳаси ходимлари олдида турган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Айни вақтда тинч ҳаётимизга раҳна солишга интилаётган кучлар мавжудлиги, улар орасидаги диний экстремистик оқимлар ва гуруҳлар пинхона ҳаракат қилишга уринаётганини кўрсатиб ўтилди. Айниқса, сўнги пайларда юрти-миздаги ҳали гоёвий шаклланиб улгурмаган ёшларни тузоғига илтиришга, турли йўллар би-

Р.ОТАМУРОДОВ, Хива тумани таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси раиси.



Польша

OLAMDA NIMA GAP. даги турар жойларга ўт тушган. СИДНЕЙ. Австралия ҳукумати КХДРга 6,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги озиқ-овқат ёрдами етказиб беради. Д Е Х Л И. Об-хавонинг ёмонлашуви оқибатида Ҳиндистоннинг Уттар-Прадеш штатида 15 дан зиёд киши ҳалок бўлди. ТЕЗЛИГИ СОАТИГА 120 километрга тенг бўлган кучли шамол кишлоқ жойларда кўплаб уйларни ярқисиз ҳолга очарчилик жабрини торттиб келмоқда. Шунингдек, Уттар-Прадеш иқтисодий катта зарар етган. Табиий офатдан Андра-Прадеш штати ҳам жиддий зарар кўрди. У ерда 13 киши қурбон бўлган. П Е К И Н. ХХР темир йўл вазириги хабарига қараганда, ўтган апрел ойида бу соҳада йўловчи ва юк ташиш кўрсаткичининг барқарор ўсиши кузатишган. Ой давомида 2,6 миллион киши темир йўл транспорти ёрдамида манзилига етказилган, бу ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан 6,7 фоиз кўп. Айни муддатда 331 минг контейнер ёки 2,8 миллион тонна юк ҳам ташилган. Бу ҳам ўтган йилдаги рақамлардан кўп. (ЎЗА)

Бобокалонимиз Амир Темурни буюк инсон дейишларининг боиси шундаки, у зоти шарифнинг қадрига нисбатан меҳри анча кучли бўлган. Тавба-тазарру қилиб келган душманга ҳам раҳм-шафқат қилган, мурувват кўрсатган.

Не бахтки, халқимизнинг ана шу фазилати авлоддан-авлодга ўтиб яшаб келмоқда. Демак, кечиримлилик асли қонимизда бор. Юртбошимиз Ислон Каримовнинг «Кимки айбига иқдор бўлиб, авф сўраб келса; уларга нисбатан ҳеч қандай чора кўрмаймиз», деган гапининг ҳазрати Амир Темур тутган сиёсатга ҳамоҳанглиги сабаби ҳам шунда, албатта.

Яқинда Марҳаматда ота-оналар, жамоат ташкилотларининг вақилин, ёшлар иштирокида катта йиғин бўлди.

Ўрта ёшлардаги бир киши йиғилиш ҳайъатида ўтирган туман прокурори Солиққон Тўйчибоевга бир вақт рақоз ўзати.

«Мен Исмоилжон Ҳожиёв 1958 йилда туғилганман. Авфни эшитиб ўз ихтиёрим билан келдим ва диний оқимдан қайтдим. Кечирингизини сўрайман».

Ўқитувчи Ҳожиёвнинг бундай аризани ёзиб, жамоатчиликка ўқиб бериш пайтидаги ички туғёнларини ҳис этиш қийин эмас. «Экстремист» деб аталувчи жинсий гуруҳларнинг қора нијатидан беҳабар баъзи соддадил ёшлар

уларнинг усти ялтироқ ваъдаларига ишониб, ўзлари улгайган заминдан руҳан узоқлашаётган, тубанликка юз тутаятган эдилар.

16 феврал куни

Тавба-тазарру

га тушиб қолганимизда тонна олмаймиз. Буни ҳамма кўрган, эшитган, билган. Энди нима деб борамиз одамлар олдида? Бизни қандай қабул

қолган бир пайтда Юртбошимиз нажот қўлини узатди: «Келаверинглар, эгилган бошини қилич кесмас» дедилар. Бу - улуг мурувват эди, химмат эди, қонимизда бор

ра кун, энг мудҳиш хато, деб ҳисоблашаётганларини аниқ баён этдилар.

Зил-замбил номус юкидан халос бўлиб, яна қайта рўшнолик кўрганлар, фақатгина юкорида номи кўрсатилган йиғитлар эмасди. Залда уларнинг ота-оналари, турмуш ўртоқлари, ака-ука, опа-сингиллари ҳам юрак ҳовучлаб ўтиришарди. «Ёмонимизнинг гуноҳини кечирингизми?» деган ўй уларга ором бермасди. Ҳикмат бор: «Гўрингдан сув чиқмасин, уйингдан хиёнатчи». Исмоил, Гофир, Фозиллар ҳали хиёнат қилишгача етиб борган эмасдилар, лекин шу шармандали йўлнинг бошида эдилар. Шундай бўлса-да,

ота-она учун бу гоётда аламли, изтиробли. Бундай ота-она одамлар юзига тик қарай олмайдди, эл-маҳаллага қўшилмайди, кўчага чиқолмайди. Егани заққум, ичгани заҳар бўлади. Соҳлари бемаҳал оқаради, юзига бемаврид ажин тушади. Одамни очлик эмас, ғам ўлдирарди, деганлари беҳиж эмас.

Йиғин ҳаммининг хурсандчилиги, қалбига ёруғлик кириб бориши, химмати баланд Президентимиздан миннатдорлик, истиқлолга шукроналик билдириш билан яқунланди.

М.АБДУКАРИМОВ, Андижон.

БАҒРИКЕНГЛИК

Тошкентда бўлиб ўтган воқеалар бундай диний оқим пешволарининг асл башарасини кўрсатди. Уларга эътиқод қўйганларнинг кўзи мошдек очилди. Энди улар тўғри йўлга тушиб олишлари керак эди. Лекин бир андиша ҳам йўқ эмасди: «Ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, диний мутаассиблар таъсири-

қилишади?..» Ҳа, улар икки ўт орасида қолган эдилар: бўлар иш бўлди деб, жаҳолат йўлида давом этилса — бу йўл хоинлик сари, разолат сари олиб боради. Ақл-идрок мулки қайтайдик дейишса - одамларнинг нафратидан, қаҳридан қўрқишарди.

Улар ана шундай боши берк кўчада бўлган бағрикенглик эди. Шу кун биргина Исмоилжон Ҳожиёв эмас, марҳаматлик Гофиржон Абдуллоев, Исмоил Раҳматов, Фозил Отақулов, Илҳом Мамаатовлар ҳам тавба-тазарру қилиб келишганди. Улар ўша диний ақидапарастлар қармоғига илинган кунни ўз ҳаётларидаги энг қо-

Биздан сўрабсиз
ХУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

Саволларингизга таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси Йўлдош АҲМЕДОВ жавоб беради.

Савол: 1. Мен олийгоҳни имтиёзли диплом билан тугатганман. Бунинг учун қандай имтиёзлардан фойдаланишим мумкин. Ўқитувчиларнинг тоифасини белгилашда бу нарса ҳисобга олинмайдими?

2. Агар мактабда (I-XI синфларда) жами 730 та ўқувчи бўлиб, битта ўқувчилар етакчиси бўлса, унинг ҳозирги кундаги ойлик маоши қанча сўмни ташкил қилади.

Пўлат Исломов, Хоразм вилояти, Кўшкўпир тумани.

Жавоб: 1. Давлат олийгоҳларини имтиёзли диплом билан тамомлаб, ўқитувчилик қила бошлаган фуқаро олий маълумотли ўқитувчи оладиган ойлик иш ҳақи билан кифояланади. Аттестация комиссияси берган тоифа асосида ойлик иш ҳақи олади. Бироқ ўқитувчига бериладиган барча имтиёзлардан фойдаланасиз.

2. Ўрта мактабда ишлаётган ўқувчилар етакчисининг ойлик иш ҳақи, ўқувчилар сонига қараб тўланадими, балки тариф сеткасидаги даража ва тоифа асосида тўланади.

Савол: Республика Вазирилар Маҳкамасининг 1995 йил 8 сентябрдаги 98-қарорига асосан иш ҳақи фонднинг 15 фоиз миқдори ҳисобига рағбатлантиришга рухсат этилган. Ушбу рағбатлантириш халқ таълими тизимида меҳнат қилаётган ходимларга қандай жорий этилади? Бунда йиллик тариф қўшиб ҳисобланадими? Умуман ўқитувчилар бу рағбатлантиришни қачон олади-лар?

А.Саматов, Сурхондарё вилояти, Термиз тумани.
Жавоб: Ўқув муассасаларида 1996 йил 1 январдан бошлаб махсус моддий рағбатлантирув жамғармаси ташкил этилган. Махсус моддий рағбатлантирув жамғармаси ҳукумат қарори асосида ўзгартирилиб турилиши ҳам мумкин. Жамғарма маблағи ташкилотнинг, муассасанинг «Иш ҳақи» 1-моддасининг чиқимлар сметасида таъкидланган бўлиб, «Махсус моддий рағбатлантириш жамғармаси» деб алоҳида сўзлар билан ажратиб қўйилган.

Махсус моддий рағбатлантирув жамғармаси маблағи иш ҳақига қўшимча ҳақлар белгилашми ва ходимларни рағбатлантириш учун сарфланиши лозим. Шунинг билан биргаликда ҳар ойдаги бу жамғарма ҳисобидига махсус қўшимча ҳақлар лавозим ойлиги (иш ҳақи ставкаси)нинг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

Савол: 1. 31 йиллик педагогик стажига эгаман. Ўқитувчилар иш ҳақининг 40 фоизи миқдоридан пенсияга чиқишим мумкинми?

2. Туман халқ таълими бўлимида ҳарбий таълим ўқитувчиларига буйруқ чиқаришганларида «ҳарбий таълим раҳбари» деб чиқаришган. Меҳнат дафтаримда ҳам айнан шундай ёзилган. Туман халқ таълими кадрлар бўлими ва ижтимоий таъминот бўлимида мутасадди ходимлар ҳарбий таълим ўқитувчилари 55 ёшдан эмас, балки 60 ёшдан пенсияга чиқадилар, дейишмоқда.

Умуман ҳарбий таълим ўқитувчилари ўқитувчиларга бериладиган 55 ёшдан пенсияга чиқиш имтиёзидан фойдаланишга ҳақлимиз ёки йўқми?

Б.Хўжамуротов, Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани.

Жавоб: 1. Меҳнат стажи 25 йилга тўлган, бироқ ҳали пенсия ёшига етмаган ўқитувчилар 40 фоиз миқдоридан пенсияга чиқишлари мумкин эмас.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқаришлар, корхоналар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхати» асосида имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи 3-руйхатнинг 7-қисмига асосан ҳарбий таълим ўқитувчилари 25 йиллик педагогик меҳнат стажи бўйича ўқитувчиларга бериладиган 55 ёшдан пенсияга чиқиш имтиёзидан фойдалана оладилар.

Савол: Биз ўқитувчиларга берилётган имтиёзлардан газ тўлови учун ойига 220 м³ меъёри белгиланган. Бироқ газ ҳисоблагич ўрнатилмаганлиги учун давлат томонидан 310 сўм пул ўтказилади. Ҳисоблагич ўрнатилганларга 595 сўм, яъни 220 м³ газ учун пул ўтказилапти. Шу тўғрими?

Бир гуруҳ ўқитувчилар, Қашқадарё вилояти, Чирочик тумани.

Жавоб: Ўқитувчилар учун табиий газдан фойдаланиш имтиёзи бекор қилинмаган. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги 541-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил Давлат бюджети ва асосий макроектисод кўрсаткичлари истиқбол йўналишлари тўғрисида»ги қароридан (14 банди 19-илова) аҳолининг табиий газни иқтисод этишдаги маффаатдорлигини ошириш максатида 1999 йил 1 январдан табиий газдан фойдаланишда имтиёзга эга фуқаролар учун табиий газдан фойдаланиш меъёри белгиланган. Қорақалпоғистон ва Хоразмда яшовчи фуқаролар учун турар жойини иситишда 40 кв м² майдон ҳисобидан бир йилга 2880 м³ газ ёқилиши ҳамда Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятлар учун 2640 м³ газ ёқилиши қўзда тутилган. Бундан ортинги фуқаро ўз ёнидан тўлайди.

Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманида яшовчи Владимир Шигаев илгари хонадонларга ўғирликка тушгани учун судланиб чиққан бўлса-да, озодликка чиққанидан сўнг ҳам бу қилиғини ташламади. Укаси Олег ва ҳамтовоғи Николай Карачукни ёнига олиб, яна ярим кечада «ов»га чиқди.

ТУНГИ ШАРПАЛАР

Улар Шаҳрисабз шаҳрида яшовчи Светлана Пиденковнинг уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, «Саратов» совутигичи, «Карпати» русумли магнитофонни, уй жиҳозлари ва кимматбаҳо идиш-товуқлардан иборат жами 40 минг сўмликдан зиёд уй-рўзгор буюмларини ўғирлаб кетишди. Шунингдек, ҳамтовоқлар жинсий фаолиятини давом эттириб, фуқаро Ирина Иванованинг уйига ҳам балкон орқали кириб, 20 минг сўмликдан ортиқ жиҳозларни умаришди.

Ўғирлик бобида акасидан ўзини ҳаракат қилган Олег Шигаев эса бир ўзи фуқаро Гулжаҳон Рахмонованинг уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, чарм курткани бўлиб чиқиб кетди. Бироқ, Шаҳрисабз тумани ички ишлар ходимлари томонидан қўрилган чора-тадбирлар натижасида уни эгасига қайтаришга мажбур бўлди.

Хуллас, ўғирланган буюмлар энди ҳамтовоқларни панжара ортига етакловчи далилий ашё бўлиб хизмат қилди.

Шухрат РЎЗИЕВ, милиция капитани.



Яқинда Косон туманида 60 ўринли юқумли касалликлар шифохонаси ишга тушди. Кўркам ва шинам шифо масканида беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатилиши учун

ЯНГИ ШИФО МАСКАНИ

барча шароитлар яратилган.

Суратда: шифокорлар Соҳибба Ортиқова, Розия Турдиева ҳамда Раъно Қодирова нафақат илми билан, балки меҳри, ширин сўзи билан

хам беморлар дардига малҳам бўлмоқдалар. Янги шифо масканининг кўркам биноси.

Ш.СУЛТОНОВ олган сурат.

Қонун барча учун баробар

Зухра Мухторова турмуш ўртоғи билан ажралишгач, уч нафар фарзандини бағрига босиб роса йилгади. Энди у болаларни соғ-саломат катта қилиш, едириб ичириш, уларга кийим-кечак олиб бериш каби ташвишлар ўзининг зиммасида эканлигини ҳис этиб қаттиқ ташвишланарди. Бозор иқтисодиёти шароитида бундай муаммоларни ҳал қилишда ёлғиз аёлнинг имконияти қай даражада бўлиши мумкин?

Нима қилиш керак? Узоқ ўйлади. Охир-оқибат таваққал қилиб, ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтининг раҳбари Ю.Узоқовга учрашди.

Бирор ишга қабул қилсангиз, умид билан келгандим, -деди у ижтимоий аҳоли тўғрисида гапириб берган. -Ихтиёримизда бир

дўкон бор.Шуни қайта таъмирлаб, ишга тушира олсангиз, марҳамат! -мойиллик билдирди директор.

Зухра бундай таклифдан хурсанд бўлди. Тезда бинони таъмирлашга киришиб кетди. Кетган харажатларни ўзича хомчўт қилиб кўрса, 180.000 сўм

га чиқди. Кунлар ҳафтага, ҳафталар ойга, ойлар йилга уланди. Ҳисоб-китоб тартибида пала-партишликка йўл қўйилди. Лекин бирор киши бу билан қизикмади.Раҳбар ва масъул ходимларнинг бепарволиги, лоқайдлиги, назоратнинг бутунлай йўқлиги сабабли нафс деган бало

нгулини тўлаган-тўламаганлиги билан ҳеч қимнинг иши йўқ. Фазначи Н.Тошхўжаеванинг таъкидлашча, тушум пуллари исталган пайтда ва кам миқдорда топшириларкан.

Шундай қилиб, 1996 йилда 346 мингга яқин, 1997 йилда 148 мингдан

НАФС ДЕГАННИ БАЛОДИР

атрофида пул сарфланибди. Бироқ, илмгоҳ тажриба ўҳжалиги директори А.Абдураззоқов таъмир ишларига 38 минг сўм ажратилди, деб ҳужжатлаштириб қўйганди. Янги ишга келганлиги учунми, Зухра бунга унчалик аҳамият бермади.

Дўкон мудираси шу зайдга иш бошлади. Озик-овқат ва саноят моллари савдо-сотиги авжи

ҳақалак отди. Зухра савдо тушумларида асло ҳадиксирамай ўз эҳтиёжлари учун сарф-харажат қиладиган одат чиқарди. Фазнага эса ондан пул топширадиган бўлди. Катта еб-ичишни ўрганди.

Фаррош Х.Мансурованинг гувоҳлик беришича, мудира дўқондан баъзан флагада ўсимлик мойи олиб кетаркан. Аммо уни

ортик, 1998 йилнинг биринчи чорагида қарийб 233 мингга яқин, иккинчи чорада эса деярли 100 минг сўмлик тушум ўзлаштириб юборилган. Сичқон ўрага тушди: гулдир-гулдир деганларидек, икки ярим йил мобайнида 826 минг 307 сўмлик камомат келиб чиқди.

Р.Тиллаев мазкур даргоҳга директор этиб тайинлангач, муассаса қа-

САМАРҚАНДА ЭЛЕКТР ПОЕЗД КЕЛДИ

«Самарқанд» темир йўл вокзалига илк бор электр поезд келди. Маълумки, темир йўлда илгор технологияларни қўллаш, электрлаштириш, вагонларда йўловчиларга зарур қулайликларни яратиш замон талабидир. Жиззахдан Самарқандга бўлган 113 километрни йўлнинг электрлаштирилгани ана шу максатда хизмат қилади. Айни вақтда йилга 500 тоннагача ёқилга тежалади, атраф-муҳитнинг ифлосланиши камайд.

КУЛЬТИВАТОР СИНОВДАН ЎТДИ

«Қўқонмотортаъмирлаш» ҳиссадорлик жамиятида Американинг «Магнум» тракторларига тиркаб ишлатиладиган чизел-культиваторлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Унинг дастлабки намуналари Фарғона, Сирдарё, Андижон ва Бухоро вилоятлари ҳўжаликлари далаларида синовдан муваффақиятли ўтди. Янги чизел-культиваторлар галладан бўшаган ерларни такрорий экинлар экишга тайёрлашда айниқса кўл келлади, - дейди ҳиссадорлик жамияти раиси А.Мирзаев. - Унинг ёрдамида бер ўтишда олти метр кенгликдаги ер чизелланади. (ЎЗА)

Муродулла ҒАФУРОВА

рамоғидаги барча бино, мол-мулк ва жиҳозларни қайта ҳисобдан ўтказиб, тафтиш қилди.Натижада ушбу илмгоҳда қатор жиддий камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Ҳаммадан ҳам қонунга риоя қилмай нафс йўлига кирган Зухра Мухторовага қийин бўлди-катта камомат бўйнига тушди...

Халқда нафс дегани балодур, ёнган ўтга соладур, деган нақл бор. Баъзан шуни била туриб қонуний тартибдордан четга чиқиб кетамиз. Ва... ўзимизга жабр қиламиз.

Яқинда Қибрай туманида Тошкент вилояти суди судьяси М.Жалилова раислигида ушбу жинсий иш кўриб чиқилди. Зухра Мухторова етти ярим йилга озодликдан маҳрум этилди.

Тарих ва келажак

кулганда қулади, салбий воқеаларга нафрат билан қарайди, яхши-ёмонни ажратмай ва ҳоказо...

Биз Абдулла Қодирий романларида ана шу фазилатларнинг жозибасини кўрамиз. Шу ўринда бир савол туғилиши мумкин: асарларнинг яратилганга-ку

тади, ҳаётининг турли-туман сўқмоқларидан ўтиш жараёнида тўғри йўлни топиб олишга муяссар бўлади...

Ахир «Душанба кун кечаси», «Ой кунни экин эди», ёки «Қипчоқа қирғин», «Ҳожи этак силкан» сингари сарлаҳлар остида воқеалар тас-

баш қўтариб халқимиз қалбига, ҳаётга сингиб кетаверади...

XX аср бошларида адабиёт майдонига кириб келган буюк ёзувчиларимизнинг энг илгорлари, айтиш мумкинки, етакчилари давр талаб этган энг илгор, тараққиқпарвар мафкура-нинг туб негизларини қатта қийинчиликлар билан ифода қилдилар. Буни қандай тушуниш керак? Айни қарамликда - мустамлакачилик зулми гирдобида эзлиб ётган Туркистон халқлари фарёдларини ҳам, орзу-умидларини ҳам гоёт зўр жасорат билан ифода этдилар. Агар йўлбошимиз иборалари билан айтандиган бўлсак, улар ҳукмрон ғояга қарши ғоя билан баҳсга киришадилар. Демокчимизки, миллий ўзлигини сақлаб қолиш билан бирга босқинчиларга қарши мустакиллини ислохотлар йўли билан амалга ошириш учун кураш бошладилар. Бунинг таг замини жаҳолатга қарши маърифат деб билдилар. Худди шу нуқтаи назардан тарихимизга «Усули ҳадид мактаблари» номи билан кирган кўплаб мактаблар очилди, унда диний илмлар билан бирга табиий фанлар ва чет тилларини ҳам ўқитиш масалаларига алоҳида аҳамият бердилар. Бор имкониятлардан фойдаланиб бу борада анча-мунча

ФИДОЙИЛАР

саксон йиллар бўлибди. Нега уни 20-йиллардан буён халқимизгина эмас, Марказий Осиёдаги, Россия, Украина, Болтик бўйи ва хориждаги турли-туман миллат вакиллари ҳам қизиқиб ўқийдилар, олимлар, адабиётшунослар, ёзувчилар доим унга мурожаат қилиб келадилар?

Демокчимизки, Абдулла Қодирий романлари моҳиятларини чуқур очишга интилган ҳар бир софдил шахс ундан ўз ҳаёти, тақдири, ўтмиши, бугуни, эртасига оид муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ қадриятларни излаб топади, кўнглини тўлдирди, маънавий оламни бойи-

вирини ҳаяжонга тушмай ва ҳатто кўз ёши тўқмай, гоҳ газабга тўлмай ўқиб бўладими? Аммо унинг ҳақиқий баҳосини бериш учун шахсининг ўзида бир маънавий ҳуқуқ ҳам бўлмоғи шарт. Қизиллар даврида аса қалбини ёрсанг алиф чиқмайдиган ҳар бир ўтқинчи томонидан Қодирий романларининг дуч келган жойидан тугтиб тортишга, булғашга, талашиб-тортишига кенг йўл очиб берилди.

Аммо уларни буюк адибимиз руҳлари дарё, денгиз тўқинлари каби кудратли ҳаёт ва тарих зарблари қирғоқларга суриб ташлади. Романлар, ундаги руҳлар, жонли қиёфалар яна дадил

муваффақиятли ишлар қилинди. Беҳбудий, Мунавварқори, Ваудуд Маҳмуд ва Фитрат каби сиймоларимиз, Садриддин Айний, Атоҳўжа, Мирзо Юсуф, Низом Маҳзум, Ҳожи Абдулмажид, Мукамаллидин, Мирзо Муҳиддин сингари талай маърифатпарвар аждодларимиз Тошкент, Бухоро, Шаҳрисабз, Урганч ва бошқа шаҳар ва қишлоқларда мактаблар очиб, Туркистон ёшларини бор куч ва гайратлари билан ўқитишга жалб этдилар...

Зеро, Туркистонда маънавиятнинг, маданиятнинг, онг ва тушунчаларни оммавий равишда қўтаришининг бош йўли - Маърифат деб билдилар. Агар маънавиятнинг негизи маърифат ҳисобланса, миллий мустакилликка эришиш йўли ва унинг моҳияти-ю, ҳаётий ўрни ҳам худди шу нуқтада ўз ифодасини топиши шубҳасиздир.

Буюк аждодларимизнинг истиқлол йўлида бевақт қурбон бўлганликлари қалбларимизни ҳамон ўртади. Ҳар қандай таътиқлар, дўқ-пўписалар, қамоқ ва сургунлар, ҳатто қатл этишлар уларни озодлик учун кураш йўлидан қалтирма олган эмас.

Аҳмад АЛИЕВ, (Давоми бор)

Футбол

«Пахтакор» уйингоҳига ташриф этган мухлислар натижа шундай бўлишини асло кутмагандилар. Тўғри, Қозоғистон олимпия жамоаси гуруҳда энг кучли ва шу боиски голиблик учун дадил оиди...

ларни шундай вазиятга олиб чиқди. Айтиш мумкинки, уйиннинг иккинчи бўлимида футболчиларимизнинг жисмоний тайёргарлиги суғ эканлиги маълум бўлиб қолди. Қозоғистонлик бўйчан ва тезкор хужумчиларнинг шиддатли ҳаракатлари охир оқибатда ўз самарасини берди.

Тўп думалоқ, Пекин...


унинг қаёққа юмалаши уйинчиларнинг ўзларига боғлиқ

Тўп думалоқ, лекин унинг қаёққа юмалаши уйинчиларнинг ўзларига боғлиқ эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Яна ҳам аниқроғи, майдонда ташаббусни қўлга олиб, бахтин ўзга дарвоза ёнидан излашга бошловчи «дирижёр» кўринмади жамоа орасида.

сўкилиб кетиши билан якун топди. Гарчанд киритилган икки жавобсиз тўп учун муайян футболчиларни - ё дарвозабон ёки бўлмаса ҳимоятчини айбаш мумкин бўлса-да, аслида бу уйинни бутун жамоа бой берганлигига иқроор бўлмоқ даркор.

Агарки, гуруҳда ўтказилган ҳар бир баҳс йирикроқ турнирларга ҳозирлик деган нуқта назардан ёндошадиган бўлса, жамоа мураббийлари ҳали кўп ишларига тўғри келиши аён бўлади. Бу таркибга ўзгартиришлар киритиш ёки уйин тактикасини қайта кўриб чиқиш орқали амалга ошириладими, буниси мутасаддиларнинг ўзларига ҳавола.

Шубҳасиз, гуруҳдаги иккинчи давра уйинлари янада кизгин кечади. Ҳар қалай футбол шинавандаларининг ҳақли эътирозлари инobatта олинади, деган умиддамиз.



«Музейлар - маданиятлар алмашинувининг асосий манбаи, ўзаро ҳамкорлик ва халқаро тинчликнинг тарғиботчиси».

Нафсиламбрини айтганда, ХХ асрнинг сўнги ўн йиллиги музейлар учун ривожланиш йиллари бўлди. Ҳали ҳеч қачон барча учун фойдали ва қизиқарли маданият ўчоғи сифатида бунчалик кўп одам музейларга ташриф буюрмаган эди. Аммо ҳамиша ҳам шундай бўлган дейиш қийин. Ҳатто 80-йилларда ҳам улар кўпчиликини қизиқтирмас, миллийлик акс этмас ва халқ талабига тўлиқ жавоб беролмас эди.

Президент Ислам Каримовнинг «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонларида Республика музейларининг тараққиёт дастури аниқ кўрсатиб берилган. Шунингдек, унда барча турдаги мавжуд музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш, қўллаб-қувватлаш ва уларга зарур илмий-усулбий ёрдам кўрсатишни таъминлаш мақсадида «Ўзбекмузей» Республика жамғармаси ташкил этилиши кўзда тутилган эди.

Ҳозирги кунда республикада 81 та давлат музейи фаолият кўрсатмоқда. Шундан 13 таси тарихий, 23 таси ўлкашунослик, 20 таси мемориал, 8 таси адабий, 4 таси табиий-илмий музейлардир. Мазкур музейларда ўзбек халқининг маданий меросини, мустақиллигимизни акс эттирувчи кўргазмалар ташкил қилиш жамғарманинг асосий вазифаларидан биридир.

Тарихнинг ўзидек кўҳна ва ҳамиша навқирон Бухоро ҳамда Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги, буюк мутафаккир ва муҳаддис Исмоил Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги муносабати билан чоп этилган йирик монографик ишлар ҳам ана шу эътиборнинг самарасидир.

Ўзбекистонда давлат музейларидан ташқари жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган 700 га яқин музей бор. Уларда турли касб ва авлод вакиллари - ўқитувчилар, талабалар, ўқувчилар, меҳнат фахрийлари, адабиёт ва санъат намоёндалари хизмат қилишади. Бундай музейларда маҳаллий материалларнинг чекланмаган тури ва миқдорини кўришингиз мумкин. Баъзан улар орасида жуда муҳим тарихий ёки бадиий қимматга эга бўлган, давлат музейларини безаб турадиган буюмларни ҳам топиш мумкин. Жамоатчилик асосидаги музейларнинг сони кун сайин ортиб бормоқда. Шунингдек, уларнинг таълим-тарбия жараёнига кўрсатадиган таъсир даражаси ҳам. Шу сабаб бўлса керак, ҳозиргача амал қилаётган музейларнинг 524 таси мактабларда ташкил топган. Бундай музейлар нафақат билим манбаи, балки маданият ўчоғи ҳамдир.

Бугун — Халқаро музейлар куни

АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

нингдек, уларнинг таълим-тарбия жараёнига кўрсатадиган таъсир даражаси ҳам. Шу сабаб бўлса керак, ҳозиргача амал қилаётган музейларнинг 524 таси мактабларда ташкил топган. Бундай музейлар нафақат билим манбаи, балки маданият ўчоғи ҳамдир. Музейлар фаолиятида ўқувчиларнинг оммавий иштироки уларда янада фаолликка, она Ватанга бўлган муҳаббатнинг ошиб боришига замин яратди.



Агар тарих саҳифаларини варақласак, музейлар дастлаб, бир ховуч зодагонлар ва уларнинг бойликларини кўз-кўз қилиш учун ташкил қилинган. Гарчанд кейинги даврларда музейларнинг таркиби ва тартиби ўзгарган бўлса-да, ҳос одамларга оид қисмлари сақланиб қолган. Бугунги кунда жуда кўп музейлар ўз иш шаклларини ўзгартиришяпти. Шулардан бири «жонли» музейлардир. Улар устахоналарда, савдо шохобчалари, кичик бизнес ривожланган жойларда ўз экспонатларини намойиш қилмоқда.

1992 йили Бухоро музей-қўриқхонасида очилган Камоллар сулоласига оид темирчилик музейида XVI асрдан буён давом этиб келаётган оилавий хунармандчилик намуналари намойиш қилинади. Бу ерда темирчилар меҳмонларнинг истақлари бўйича музейбоп намуналар ясаб беришади. Бухоро темирчилик музейи анъаналарнинг асло ўлмаслиги, авлоддан-авлодга ўтиб, тараққий қилиб боришига яққол далилдир.

1992-1993 йиллари Бухоро музей-қўриқхонасидаги архитектура ёдгорликларидан 33 хона 75 машҳур хунарманд-устага имтиёз равишда фойдаланишга берилди. Эндилкида бу ерга ташриф буюрганлар жило берилаётган сопол буюмлар, ўймакор нақшлар, миллий оёқ кийимлари, гиламлар, дўппиларни томоша қилиш имконига эга бўлдилар. Натижада музей-қўриқхона ходимларининг фидоилиги туфайли маънавий бўлигимиз билан бирга моддий эҳтијимиз ҳам қондирилмоқда.

Музейлар қошида ташкил қилинаётган даврий кўргазмаларнинг ҳам сони кун сайин ортиб бормоқда. Бу йўналишда Ўзбекистон Давлат санъат музейида олиб бораётган ишлар таҳсинга сазовордир. Унда нафақат маҳаллий экспонатлар, балки чет эл давлатларининг санъати оид кўргазмалар ҳам намойиш қилинади.

жиҳозланмаган хоналарда сақланади. Ўзбекистон Давлат тарих музейи, Бухоро ва Хива музей-қўриқхоналари махсус омборларга эга эмас. Меъморий обидаларимиз доимий таъмирга муҳтож. 1997 йилда қурилиш бошланган Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейининг янги биноси чалалигича қолиб кетди. Ҳалигача музейлар фондининг материаллари бўйича алоҳида каталоглар яратилмаган. Илмий ишлар, буклетлар, йўриқнома ва каталогларнинг наشري мақтанадиган даражада эмас. Бу ишларнинг аксарияти энди бошланди ва уларнинг тезда ўнглиниб кетишига умид қиламиз.

Музейлар нафақат кўргазмалар намойиш қилинадиган жой, балки ёш авлодни маънавий етук инсон сифатида камолга етказувчи тарбия ўчоғи ҳамдир. Бугун музей экспонатларидан, кўргазмаларидан ўқув жараёнида, дарс-экскурсия ва бошқа синфдан ташқари ишларнинг турли шакллари фаол таъбиқ этишда кенг фойдаланиш керак. Биз ҳозир шу йўналишда фаолият юрятамиз. Бу муаммолар халқ таълими тизими ҳамда бошқа вазирликлар билан биргаликда ҳал қилинса, фойдалан ҳоли бўлмасди.

Ҳозирги кунда музей ходимларининг малакасини ошириш, ижтимоий ҳимоялаш, маошини яхшилаш йўлида самарали ишлар қилинапти. Аммо ҳали қилинадиган ишлар, ечимини кутаётган муаммолар етарли. Халқаро музейлар куни муносаба-



ти билан биз уларнинг айримлари хусусида фикр юритдик, ҳолос.

Энг муҳими, музейларимиз ҳар куни ва ҳар кимнинг диққат марказида туриши керак. Чунки у кечаги кунимиз ва бугунимизнинг энг яхши ютуқларини намойиш қилади, эртага қилишимиз керак бўлган ишларни башорат қилади. Буни ҳар бимизни, ҳамиша ёдда тутишимиз керак.

Н.ҲАБИБУЛЛАЕВ, Республика «Ўзбекмузей» жамғармаси раиси.

Сен доим қалбимдасан, жигарим!

Қаҳрамонлар номлари мадҳ этилган «Жасорат» китобини варақлайман. «Тоғ додалари» очерки сапёр бўлиб хизмат қилган Самиг Абдуллаевга бағишланадими. Унда шундай сатрлар бор: «1943 йилнинг 16 сентябরিдан 1943 йилнинг 9 октябригача бўлган кизгин жангларда мина кўйилган йўлларни тозалаб, бу билан танкларнинг ўтиши учун йўл хатарсиз бўлишини таъминлаб, душманнинг кучли ўк-ёмеғри остида 2798 та турли тилдаги минани топиб, зарарсизлантирдим. Бу миналарнинг 39 таси олиб бўлмайдиган, 34 таси ҳеч қутилмаганда «нағма» кўрсатадиган қилиб кўмилган эди».

ҚАҲРАМОНЛАР ҲАМ ... ЙИҒЛАЙДИ

Бу Самиг Абдуллаевнинг жангдаги жасоратидан бир лавҳа ҳолос.

Иккинчи жасоратини у нафосат майдонида кўрсатди. Самиг ака кўп йил республикамиз одамлари, табиятини мўйқаламда куйлади. Жанг қилган жойлари, турли миллат софидил, жафокаш вакиллари образини тоғига етказди. Ёшлар билан тез-тез учрашиб, нафосат ҳақида сўзларди. Ўз навбатида ёшлар ҳам у кишидек самимий, иродали бўлишга ҳаракат қилишарди.

Яратган ранг тасвирлари ҳаётлиги билан ажралиб турди. Тошкентлик машҳур, мусиқа асбоблари устаси «Уста Усмон Зуфаров», «Ватан фидойилари» туркум асарларини ўзида бир олам маъно бор эди. У Ўзбекистон рассомлар уюшмасини ўн йил, Санъат музейини ўттиз икки йил бошқариб, тасвирий санъатимиз ривожига катта ҳисса қўшди.

У киши етмиш ёшга чиқсалар-да Санъат музейида ишлашдан чарчамасди. Ваҳоланки, ҳали жангдаги жароҳатлари тўла битмаганди. Ҳар йили умуртқа суякларидан олинмай қолган учта ўк захрини кетказиш унун даволаниб турар, нафосат унга далда, қувонч бахш этиб, яшашга даъват этиб турарди. Лекин суҳбатларимизда кўпинча у кишини кайфияти тушган ҳолда кўрардик.

Самиг аканинг ҳаётларида мустақиллик давридагина ўзгаришлар бўла бошлади. Ўзбекистон Бадиий академияси ташкил топгач, ҳар бир кўргазмада асарлари ўрин олди. Рўҳлари тетиклашиб, яна қўлларига мўйқалам тутдилар.

1997 йили Қаҳрамон расмо 80 ёшга тўлишларига бағишланиб кўргазма очилиши керак эди. Унга тайёргарлик кўрилатган бир пайта Самиг Абдуллаевнинг хасталиги тобора зўрайди. Ва кўп ўтмай оғир ҳаёт билан видолашди.


Эндилкида ҳақиқат, одамийлик тўла тантана қилапти. Қанчадан-қанча инсонлар руҳи шод бўлаётган бир пайтада ўша очилмай қолган Самиг ака кўргазмаси Ўзбекистон Бадиий академиясида очилди. Яратган асарларидан намуналар, «Уруш ва меҳнат фахрийлари» туркум асарлари, манзара, натюрморт, портрет, автосуратлари, замондошлари қиёфалари намойишга кўйилди. Бу у кишининг маънан тириклигидан далолатдир.

Махмуд АХМЕДОВ, Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти илмий ходими.

ОМАДНИ ҚАРАНГ!

42 ёшли голландиялик бир киши тундаги эҳтиётсизлиги туфайли сал бўлмаса кўз гавхаридан айрилиб қолган. Ярим тунда уйғониб кетгач, у кўзлари ачишиб оғриётганини ҳис қилди ва икки кўзига ҳам дори томизади. Натижада унинг қовоқлари дарҳол бир-бирига ёпишиб қолади. Кўрқиб кетиб у ёрдамга қўшниларини чақиради. Маълум бўлишича у кўз дориси ўрнига столда турган елимдан фойдаланган экан. Қўшнилар ҳам бирор ёрдам кўрсатишга эъзизлик қилиб, уни шифохонага элтишади. У ерда шифокор беморнинг киприкларини яхшилаб қириб, ингичка кескич ёрдамида қовоқларини эҳтиёткорлик билан кесди. Омадни қарангки, лаҳзада қотувчи елим кўз гавхарига этиб бормасдан, қовоқларининг ўзидаёқ қотиб қолган эди.

КАРМАНА ШАҲРИ НЕЧА ЁШДА?



Маълумки, Кармана энг қадимий шаҳарлардан бири ҳисобланади. Кармана шаҳрини савдо-сотик, маданий-маърифий алоқалари ривожланган маданий марказ сифатида Самарқанд, Бухоро, Шовш, Насаф шаҳарлари қаторига қўйиш мумкин. Бироқ шу вақтга қадар Кармана шаҳрининг қачон вужудга келгани ҳақида ҳеч қандай маълумотларга эга эмасмиз. Ушбу шаҳар тарихини ўрганиш, изланиш олиб бориш бугунги куннинг қизиқари мавзусидир.

Суратда: Кармана шаҳридаги «Ҳазрати Қосим Шайх Азизон» ёдгорлик мажмуи.

«ЧИЛОНЗОР ДЕНТАЛ СЕРВИС» ДА
Стоматология ёрдамининг ҳамма турлари:
— оғриқсиз даволаш,
— сунъий, фарфор ва металл-керамик тишлар қўйиш,
— тиш имплантатлари, — тиш протезлари.
Сиратиза қаролати нақд.
Клиникага стоматологик материаллар сўқонишлайди.

«МЕТАЛЛНИҚАЙТАИШЛАШ» МҶЗ
Чекланмаган миқдорда сотади:
* зангламайдиган чеклар 9л - 550 сўм, 15л - 600 сўм;
* зангламайдиган тоғора 13л - 600 сўм, 23л - 800 сўм;
* зангламайдиган бак 32л - 1500 сўм;
* сув қайнаткич (самовар) 42л - 4200 сўм;
* алюмин қошиқ ва вилка - 10 сўмдан;
* ашиқ ва ром ошиқ-мошиқлари 110 мм - 60 сўм;
* йўлак (тротуар) плиталари 1 кв.м - 750 сўм
* «Нева-5» ва «Ладога-3» русумли тўқув машиналари;
* 100 тонна қувватга эга зичлигич (пресс);
СОТИБ ОЛАДИ:
* зангламайдиган сим - қалинлиги 5 мм;
* қора тузука - қалинлиги 2 мм, ОБКП;
ИЖАРАГА БЕРАДИ:
* божхона омибори - 500 кв.м;
ҚОРХОНА МАНЗИЛИ: Тошкент ш. Сог'он 30-Берк кўча, 79-уй.
МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
46-52-00, 46-64-19, 46-14-13, 46-79-41.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир хайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламурадov (масъул котиб-«Ишонч»), Ч.Латипов (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзиллар: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида боенди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма тибқоқ, Сотувда эркин нарҳда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмагониси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти — 22.00. Топширилди 23.00